

3.Ko‘rgazmali qurollardan foydalanish.

### **Foydalaniqan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Karimov I.A. “Yuksak ma`naviyat –yengilmas kuch” -T. Ma`naviyat, 2008.
2. Bag‘rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi: YUNESKO bosh konferensiyasining 28 sessiyasida qabul qilingan (1995 y. 16 noyabr, Parij) //Nashr uchun mas’ullar: A.Saidov, K.Jo,,raev.–T.: YUNESKO.
3. Bekmurodov M. Milliy mentalitet va ma“naviyat.–T.: Adolat, 2002.
4. Berdiyeva, S. (2024). IMPROVING THE METHODOLOGY OF PREPARING STUDENTS FOR CREATIVE ACTIVITY BASED ON FOREIGN EXPERIENCES. *Talqin va tadqiqotlar*, (28).
5. Nasiba, Q., & Berdiyeva, S. (2023). SIGNIFICANCE AND CONTENT OF PEDAGOGICAL DIAGNOSTIC METHODS. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF EDUCATION AND COMPUTER SCIENCES (CAJECS)*, 2(2), 51-53.
6. Berdiyeva, S. (2024). SINF VA GURUHLARDA INKLYUZIV TA’LIM TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISH. *Talqin va tadqiqotlar*.

## **ҚУРОКЧИЛИК САНЬАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Парпиева Малика Моминовна  
Чирчик давлат педагогика университети  
Технологик таълим кафедраси в/б доценти, п.ф.ф.д. (PhD)  
[malika\\_7613@mail.ru](mailto:malika_7613@mail.ru)

Джалгашова Қурбанай Ембергеновна  
Чирчик давлат педагогика университети  
2-курс Технологик таълим йўналиши талабаси  
[djalgashovaqurbanoy@gmail.com](mailto:djalgashovaqurbanoy@gmail.com)

Ўзбек халқининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, комплекс чора тадбирларни амалга ошириш, республикамиизда миллий хунармандчиликнинг

асосий йўналишларидан бири бўлган қуроқчилик санъатига эътибор қаратиш, миллийлигимиз уйғунлашган ҳолдаги замонавий қуроқ кийимларни, турли хил қуроқ буюмларни рақамли технологиялар ёрдамида яратиш халқ хунармандчилик йўналишида муҳим роль ўйнайди.

Қуроқчилик санъати ёрдамида замонавий маҳсулотлар яратища рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари маҳсус авантажларга эгадир. Қуроқчилик санъати майда мато ва қийқимлардан бирор бир фойдали нарса яратиш имконини берадиган амалий санъат тури ҳисобланади. Шунингдек, бундан чиройли дизайн ва ғоялар асосида санъат асари яратища бизга бунда рақамли технологиялар иш унумдорлигини ва дизайн фейснинг сифатини оширища катта ёрдам беради. Бугунги кунда ахборот коммуникация технологиялари кундалик хаётимизнинг барча соҳаларида жумладан таълим, тиббиёт, бизнес, санъат, техника, банк ва ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида компьютерлар кўлланилиб келинмоқда. Технологик жараёнларни бошқариш, улар ёрдамида янги маҳсулотнинг чизмасини чизишдан то тайёр маҳсулот бўлиб чиққунига қадар бўлган жараёнларни автоматлаштириш, маҳсулот шаклини компьютер экранига чизиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш, қоғозга чоп этиш ва бошқа амалларни бажарища, шунингдек, қуроқчилик санъатида ижодий натижаларга эришища, янги ижодий композициялар яратища ахборот технологияларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Ижодий жараён бу мазмун ва шакл бирлигини яратишидир. Рақамли технологиялар, компьютерлар, мобил курилмалар ва интернет орқали маълумотлар ва ахборотни ажратиб бериш, анализ қилиш ва тақдим қилиш имконини беради. Бу маҳсулот яратиш давомида назорат, оптималлаштириш ва таҳлил қилиш жараёнларни автоматлаштиришга қўйиладиган воситаларни ўз ичига олади.

Қуроқчилик майда бўлаклардан улаб, тўплаб безак яратиш санъати бўлиб, турли ранг, шаклларда майда мато парчаларидан буюм, безак яратишидир. Қуроқчилик санъати амалий санъат тури ҳисобланиб, ундан тайёрланган буюмлар ўзининг тузилиши, хом ашёнинг гўзаллиги, шакл ва

рангларнинг мутоносиблиги, рангларнинг уйғунлиги тайёрланган буюмни амалий санъат турига айлантиради. Ўзбекистонда ҳам қуроқдўзлик санъати қадимдан маълум ва ўзига хос анъаналари билан бошқа қуроқлардан ажралиб туради. Ўзига хос маъноларни англатиб, ноёб хусусиятлари билан фарқ қиласди. Ҳозирда қуроқдўзлик санъати қадимий анъаналарга асосланган ҳолда, янги замонавий мавзулар билан бойитилиб ривожланган бўлиб, чўпонлар, костюмлар, сузаналар, дастурхонлар ва безак буюмлар, шу жумладан сумкалар яратилмоқда.

Биринчи навбатда замонавий маҳсулотни яратишда 3D модел қуриш ва симуляция қилиш, дизайн ва прототипни қуриб чиқиш жараёнини соддалаштиради ва хатоларга йўл қўймасликка ёрдам беради. Шунингдек маҳсулотнинг таркиби ва дизайнни ҳақида қарор қабул қилиш учун маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш маҳсулот тартибини автоматлаштиришга, яъни мижоз талаблари асосида маҳсулотнинг автоматлаштирилган тартибини аниқлаб беришга, буюртма жараёнларни бошқариш ва инвентаризацияни осонлаштиришга, ҳозирги кунда қуроқчилик санъати ривожланишида қуроқчилик санъатига янги ғоялар ва замонавий кўринишдаги дизайнлар яратишга имкон беради.

Рақамли технологиилар қуроқчилик санъатига кўп турдаги имкониятларни бериши натижасида иш унумдорлиги, самарадорлиги ҳамда иш жадаллиги ортиб боради. Умумий олганда, рақамли технологииларни қуроқчилик санъатига кириб келиши натижавийлик ва ривожланиш жиҳатдан, автоматлашган ишларда қўл ишини камайтириш имкониятларини беради, яъни:

✚ ишловчиларнинг иш жараёнидаги хатоликларни камайиши, бунда рақамли технологиилар автоматлашган процесслар ва маҳсус алгоритмлар ёрдамида иш жараёнидаги хатоликларни камайтириш, бу эса ишловчиларнинг вақт ва энергияси тежаш;

■ рақамли технологиялар дизайн процессларини тезлаштириш ва ишловчиларнинг иш самарадорлигини ошириш, масалан, компьютер асосидаги дизайн дастурлар ёрдамида ишловчилар ишини тезлаштириш ва дизайн натижаларига эришиш;

■ рақамли технологиялар қуроқчилик санъатига маҳсулот сифатини ошириш, мисол учун, автоматик текстиль машиналари металл деталларни мукаммал тўғри йўналишида ишлатилиши натижасида маҳсулот сифатини ошириш;

■ рақамли технологиялар қуроқчилик санъатига инновация ва истиқболлаш, замонавий материалларни ишлатиш, янги дизайн лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва янгича иш жараёнларини яратиш ҳамда жаҳон бозорида маҳсулотларимизни сотиш;

■ рақамли технологиялар шароитида автоматлашган ва роботлар ёрдамида ишловчиларнинг қўлликни камайтириш, бу асосда механик ишларни автоматлаштириш, роботлар ёрдамида ишловчиларни иш жараёнидаги хатоликларни камайтириш, натижавийликни ошириш, маҳсус алгоритмлар ёрдамида иш самарадорлигини ошириш, ишловчиларнинг вақт ва энергиясини режалаштириш, маҳсус маҳсулотларни яратиш;

■ қуроқчилиқда ишлатиладиган тикув машиналарга рақамли технологиялар ёрдамида дастурлар киритилиши текстиль машиналарининг тез ишлаши ва янгича технологиялардан фойдаланиш натижасида ишни тезлаштириш ва сифатини ошириш, иш жараёнидаги хатоликларни камайтириш, машиналарнинг автоматик контроли, хатоликни топиш ҳамда ўз-ўзини текшириш;

■ дизайн жараёнларини тезлаштиришда, дизайн натижаларига юқори даражада эришишда, дизайн жараёнларида креативлик асосида ёндошиш, 3D моделлаш ва виртуал тендерлаш, мобил дастурлар ёки веб-саҳифаларни дизайн қилиш, ишловчиларга маҳсулотни ишлаб чиқишдан аввал уни 3D моделларда кўриб чиқиш ва тест қилиш, замонавий материаллар, дизайн лойиҳаш, автоматлаштирилган система ишларини тезлаштириш, онлайн иш

жараёнлари, электрон ҳужжатлар ва коммуникация ишларини тезлаштиришда кўмак кўрсатиш;

■ рақамли технологиялар ёрдамида интернетдаги махсус сенсорлар ёрдамида иш жараёнидаги хатоликларни топиш, сенсорлар ёрдамида машиналарнинг ички вазифаларини текшириш, автоматлашган контрол тизимлар ёрдамида иш жараёнидаги машиналар билан ишлаш усулини кузатиб бориш ва ҳар бир машина деталлари функцияларни бажарилишини махсус мониторлар ёрдамида назорат қилиш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш имкониятларини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ ҳунармандчилиги санъат турларидан ҳисобланган қуроқчилик санъати ўзининг бой ва ранг-баранг маданий мероси билан алоҳида ўрин тутади. Мана шу меросимизни рақамли технологиялар ёрдамида авлоддан-авлодга етказиш, ўзбек халқининг маданият дурдоналарини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш, замонавий технологиялар фойдаланган ҳолда маданий тараққиётимизни ривожлантириб эъзозлаб бориш ғоят муҳимдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон фармони.
2. Шермуҳамедов Р.С., Парпиева М.М., Шарипова Г.С. Халқ ҳунармандчилиги. – Т.; Дарслик. “Тафаккур”, 2021 й.
3. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида. – Т.; Монография. “Янги нашр”, 2018 й.
4. Қодиров Б.Э. Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Термиз.: 2021. – 143 б.